

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ  
ШАҲАР РЎЗНОМАСИ

Ўзнома 1966 йил 1 июлдан чىқа бошлаган № 51 (7. 440) 1991 йил 14 март, пайшанба 12 тийин

## ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚИРҒИЗИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛАРИНИНГ УЧРАШУВЛАРИ

БИШКЕК, 13 март. Узоқ вақт муҳаббат ва сўқашуви ФЕНЮТИН хабар қилди: «Қардош Ўзбекистон Президенти, қирғиз дёврийга хуш келибсиз!» — бугун республика газетлари ана шундай катта сарлавҳалар билан чиқди. Уларда И. А. Каримовнинг суҳрати ва қисқача тарихий хабарлари эълон қилинди, Ўзбекистон ССР меҳнат маъраси ҳақида хикоя этилди.

Умумий хонадонимизда ҳозир тинчлик ва тотувликни қадрлайдиган бача қизлар қардош Қирғизистон республикасига ушбу ташриф кутумоқда эдилар. Бу ташриф Бутуниттифоқ референдуми арафасида ўтаётгани аниқлиги муҳимдир, бу референдумда Иттифоқ бўлиши керакми ё йўқми, деган энг долзарб саволга жавоб берилиши лозим.

СССР, Ўзбекистон ССР ва Қирғизистон ССР Давлат байроқлари билан безатилган «Манас» аэропортида Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов ва республика давлат делегациясининг аъзоларини Қирғизистон Президенти А. А. Акаев, шу республика бош вазири Н. И. Исанов, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар. Аниқанага биноан миллий кийимдаги қизлар меҳмонларга нон-туз тутдилар, баҳорги гуллардан гулдасталар тутқаздилар.

Ўзбекистон давлат делегациясининг кўнун республикада бўлиши программаси жуда тинч. У икки Президентнинг суҳрати билан бошланди. Суҳбатда давлат делегацияларининг аъзолари қатнашдилар. Музокараларда Ўзбекистон томонидан Вазирилар Кабинети Раисининг биринчи ўринбосари И. Х. Жўрабеков, Ўзбекистон ССР Президентининг маслаҳатчиси Ш. С. Зивов, Ўзбекистон Фанлар академиясининг президенти М. С. Саломхиддинов, Президент Кенгашининг аъзоси, Ўзбекистон халқ шоири Шукрулло, халқ депутатлари Андижон Советининг раиси, Ўзбекистон Компартияси вилоят комитетининг биринчи котиби Қ. Х. Холмирзаев, Ўзбекистон ССР Давлат телекурсути ва радиозашитириш комитети раиси Т. Е. Ёқубов, Ўзбекистон ССР халқ депутаты Ш. Жўраев, Президент Кенгашининг аъзоси, Олимлик кон-металлургия комбинатининг директори В. Н. Сигедин, Ўзбекистон ССР Президенти аппаратининг ишлар мудирини З. Ҳ. Ҳайдаров, республика Президентининг матбуот котибинини И. А. Абдухалиқов қатнашдилар.

Ўзбекистондан келган делегатлар билан Қирғизистон Республикаси Бош вазири Н. И. Исанов, республика Фанлар академиясининг президенти И. Т. Айтматов, Президент маъкамаси раҳбари, Қирғизистон Республикаси вазири Э. О. Қорабоев, Президент маслаҳатчиси А. И. Сарғулов, республика халқ депутати Э. Т. Турсуналиев, Президент Кенгашининг аъзоси А. В. Лемкин, республика матбуот ва ахборот вазири А. Э. Эрқабоев суҳбатлашдилар.



«Семурғ» фирмаси кичиктойларга атаб чиқарилган маҳсулотлари билан кўпчилиги эътиборини қозонмоқда. Сиз суратда кўриб турган Найма Саидосимова ҳам ана шу корхонанинг энг илғор ишчиларидан. Меҳнатсевар бу аёл томондан тайёрланаётган маҳсулотлар эълон сифатида бажарилаётгани билан хамиша айралаб туради. СУРАТДА: Найма Саидосимова. Т. Каримов сурати.

## 17 март—СССР референдуми куни

### Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Ўзбекистон ССР коммунистларига, барча меҳнаткашлари ва гражднларига МУРОЖААТИ

Азиз ҳамюртлар! Уртоқлар! 1991 йил 17 март куни Ўзбекистон ССРнинг ҳар бир граждани шундай бир йўлни таллаши керакки Ўзбекистоннинг, бутун Советлар мажлакатининг бундан бундан тараққийи мана шу йўлга боғлиқ бўлади. Кўп миллатли ватанимизни умумий хонадон деб ҳақли равишда ҳисоблаётган ҳар бир кишининг тақдирини ҳам янгилашган федерациянинг, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг бўлиши ё бўлмастлигини таллаб олишимизга боғлиқдир.

Совет Иттифоқи халқлари бир неча ўн йиллар мобайнида қувонч ва қайғу-алама, галабалар ва мувофақиятсизликларга шерик бўлиб келдилар. Ўзбек халқига хос бўлган байоналикчилик ва яхши кўнунчилик асрий анъаналарини айни Совет ҳокимияти йиллари мобайнида, қардош республикаларнинг ягона оиласида энг кўп равишда топди.

## Тошкент шаҳри хотин-қизларига МУРОЖААТ

Март ойининг бутун мамлакатимиз Умумхалқ референдумини ўтказишга тайёрларик кўраётган, Иттифоқимизнинг ҳаёт-мамот масаласини гўяда муҳим масала ҳан бўлаётган мана шу муҳим кулларида биз аъзо оилалар, она-синглилар, дўгоналар, қизларимиз, Сизларга мурожаат қиламиз. Буюк ўзбек шоири Ғафур ғулум ўз шеърларида айларини оила, давлат посбони ва тавачи сифатида маҳз этар экан, шундай деб ёзган эди: «Аёл киши давлатни жангчилардан, саркардалардан ахшироқ ҳимоя қила олади. Чунки жангчиларнинг, саркардаларнинг ўзи ҳам она кўрагидан кун-қувват олади. Она туйфайли, она деб улар ҳар қандай жасоратга тайёрдир.»

Хотин-қизлар муаммолари бугунги кунда мамлакат муаммолари билан ҳар қачонгидан ҳам боғлиқ кетган. Фаол ҳаракат қилиш пайти келди. Ҳаётини армия, танклар, жангарилар ёрдами билан эмас, маданий, сиёсий воситалар билан ҳимоя қилиш хотин-қизлар ҳаракатининг асосий вазифасидир.

аввало халқнинг фаровонлигини оширишга, унинг маънавий жиҳатдан янгилашга, ижтимоий адолатни ва республика аҳолисининг муносиб турмуш шартинини таъминлашга қаратилган. Мустақил республикаларнинг тенг ҳуқуқли, ўзаро манфаатли ҳамкорлиги, ягона Иттифоқини сақлаб қолиш — Ўзбекистон ССРнинг жўшқин ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиётини тарғови эканлигига Ўзбекистон коммунистларининг ишончли қомилдир. Биз фақат биргаликдагина ҳозирги мураккаб босқични бағтираётган, минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ва экологик муаммоларини ҳал этиш оламати, миллатлараро муносабатларини яхшиларо, республика халқларининг ҳақсизлигини ва маърифатли турмушини таъминлай оламиз.

## ҲАММАМИЗГА ШУНДАЙ ИТТИФОҚ КЕРАК!

Кўнун тошкентликлар бир қарорга келиб бўлинган. Улар 17 март куни устакларига барқарорлик ва демократия учун, янгилашган Иттифоқ ва федерация сифатида унинг сақлаб қолиниши учун овоз берган ташриф булардир. Биз референдум арафасида Тошкент шаҳар Кенгашининг маҳалла ва уш комитетлари билан ишлаш доимий комиссияси раиси Ш. Т. ТЕМУРОВАдан ўз фикр-мулоҳазаларини, ҳис-туйғуларини билан ўртоқлашганини айтиш мумкин.

Олдиндан айтиб қўйи қолай, мен республикаларнинг иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий мустақил бўлиши шартини билан Иттифоқнинг сақлаб қолиниши тарафдориман. Уларнинг қилиши мол-мулки, ресурслари ва ҳонаворлардан эркин фойдаланиш борасида қонуний ҳуқуқ ва ваколатларга эга бўлиши керак, ҳеч қандай марказ уларга бўйруқ беролмаслиги лозим. Кўнун, мустақил ва тенг ҳуқуқли республикаларнинг фақат шундай, оғизда эмас, амалдаги иттифоқига менга маъқул.

### ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ.

## СССР РЕФЕРЕНДУМИДА ОВОЗ БЕРИШ УЧУН БЮЛЛЕТЕНЬ

1991 йил 17 март

Тенг ҳуқуқли мустақил республикаларнинг янгилашган ҳимоя ҳар қандай миллатга мансуб бўлишига ва эркинликларига эътибор қилишга мустақил федерациянинг сифатида Совет Федерацияси ва Иттифоқининг сақлаб қолиниши учун овоз берган ташриф булардир.

Кўнундаги референдумда овоз бериш учун овоз берган ташриф булардир.

Овоз бериш учун овоз берган ташриф булардир.

### СССР РЕФЕРЕНДУМИДА ОВОЗ БЕРИШ УЧУН ҚЎШИМЧА БЮЛЛЕТЕНЬ

1991 йил 17 март

Ўзбекистон янгилашган Иттифоқ (Федерация) таркибид мустақил тенг ҳуқуқли республикаларнинг қилишига роҳнатини берди.

Сизга маъқул бўлган ҳақдорлар, аниқлиқларни ўзгариштиришга эришсангиз.

Овоз бериш учун овоз берган ташриф булардир.

### «Тошкент оқшомини» ва «Вечерний Ташкент» рўзномаларига—25 йил

1974 йил солномасидан

ШОНЛИ ЮБИЛЕЙ  
1974 йил 13 апрель

«Импералистик ҳужумга қарши мудофаа марказларидан бирига айланган Тошкент шаҳрининг ишчилари кўрсатган хизматларини ижобатлаб олиб, Тошкент шаҳар пролетариати Қизил Байроқ ордени билан мукофотланган». РСФСР Бутунроссия Марказий Ижроия Комитетининг 1924 йил 14 апрелда эълон қилинган қароридан ушбу сатрларда Тошкент шаҳар ишчилар синфийнинг ролига берилган буюк баҳо акс этиб турибди.

Тошкентнинг Қизил Байроқ ордени билан тақдирланган 50 йил тўлиши муносабати билан рўзномада эълон қилинган мақолада диққатга сазовор фактлар келтирилди.

Рўзнома саҳифаларида Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллик тўйи муносабати билан туркум мақолалар ҳам эълон қилинган. «Бугун — юбилей объектларида», «Тошкент солномаси каби руҳлар остида ранг-баранг ва қизиқарли материаллар бериб боришган. Масалан, «Евхет»да ишлар қўзғин» деб номланган суратли репортажда пойтахтда «Евхет»да олинган зонаси кўрилатгани ҳақида баътафсил хикоя қилинади.

«Бу ерда тошкентликларнинг энг катта, жуда қиройли ва мийриқиб дам оладиган жойига айланади, — деб ёзади мақола муаллифи. — Дам олиш комплексининг биринчи навбати Ўзбекистон ССР ва республика Компартиясининг оптик тўйи арафасида фойдаланишга топширилади. Қурувчилар олдида улкан ишлар турибди. Улар октябрь ойига 2 миллион 270 минг сўмлик иш бажаришлари керак. Истироҳат боти 70 гектарлик майдонда барпо қилиниб, унинг 30 гектарини қўнунги сув ҳавзаси эгаллайди.»

Уттинчи йилларда барпо қилинган, кат-

талиги жиҳатдан Урта Осиёда биринчи, Иттифоқимизда эса иккинчи ўринда турган Тошкент тўқимачилик комбинати Ўзбекистон доираси оламга ёлган корхоналардан биридир. Комбинат республика аҳолисини арзон, пишиқ ва қиройли ип-газламага бўлган эҳтиёжини қондириб-гина қолмай, маҳаллий миллат вақилларини ишчи кадрлар, етук тўқимачилик мутахассислари тайёрлашда ҳам бутун бир мактаб ролини ўйнамоқда. «Республикамиз фабрика» сарлавҳаси остида яритилган бир саҳифа материаллар негизда, мана шу улкан корхонанинг қурлиш тарихи, унинг бугунги ҳаёти, аjoyиб кишилари тўғрисида гап боради.

### ЎЗБЕК ЯИГИТИНИНГ ШУҲРАТИ

1974 йил 3 сентябрь

Тошкентлик машҳур боксчи Руфат Рисинов ҳақида рўзномаларда озми-озма эълон қилинган. Унинг маҳорати ҳақида мутахассислар ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришиб, илҳиқ сўзлар айтишган. Спортчиимизнинг кейинги тақдирини ҳақида ҳам муштарайларимизнинг хабари бўлса керак. «Ўзбек яигитининг шуҳрати мақоласида эса Гаваанда ўтказилган бокс бўйича биринчи жаҳон чемпионатида эиндигина чемпионлик унвонини қўлга киритган Руфат Рисинов тельефон орқали «Тошкент оқшомини»га интервью берган». Эътиборингизга ундан кичик бир лавҳани ҳавола этишим.

«Тошкентли Шаҳрин билан гаплашарман деб ўйлаган эдим, Табрикларини ҳам унинг катта раҳмат. Ютқиндан ўзим ҳам жуда хурсандман. Кун бўйи бахтиёр бўлиб юрдим, Жаҳон чемпионлиги бўлиш ҳақида.»

— Жангдан кейинги биринчи дақиқада нималарни ўйладинг?

— Ватанимни ўйладим. Ўз мамлакатимизнинг Гимнини эшитиб, баланд кўтарин, лавҳан олган байроқни кўришдан катар тараққ баят йўл, ўзининг номажон Ўзбекистонини, Тошкентни ўйладим.»

### ТО Бугунги кун нафаси

#### ЖУМҲУРИЯТИМИЗДА

13 март куни Тошкентда Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг мудофаа, давлат ҳақсизлиги ва ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари комитетининг навбатдаги мажлиси бўлди.

Ўзбекистон ССР халқ таълими ва фан қодимлари касеба уюшмасининг биринчи съезида дастурий ҳужжатлар муҳомада қилинган эди. Тошкентда шу съездининг иккинчи босқичи ўтказилди.

Қўнунда «Устоз» дўқони очилди. Бу ерда халқ усталари асаган буюмларини, шунингдек ҳунармандчиликда иштиратилган молларни сотиб олиш мумкин.

#### МАМЛАКАТИМИЗДА

13 март куни Москвада СССР Фанлар академиясининг йиллик умумий йиллик ўз ишини бошлади. Академиянинг йиллик

### Миллий пойабзаллар кўпаймоқда

1974 йил 17 октябрь

Халқ истеъмолчи буюмлари орасида миллий пойабзалларнинг тугган ўрин бекчилади. Ушбу кезларда шаҳар маҳаллий саноат бошқармасининг қаршили кўн-галвантерев фабрикасининг маъмоси бу борада ибратли ютуқларни қўлга киритишга экан, Мақолада шундай жумлавларни ўқиймиз:

«Бу ерда халқ истеъмолчи буюмларининг янги хилларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилмоқда. Оқш хромдан боғча биндаги болалар учун тайёрланган мажон шиппелар шулар жумласидандир. Корхона ишчилари танаовордан қолган майда бўлачаклардан янгиликча шиппелар тайёрлашни йўлга қўйдилар. Миллий пойабзаллар — амриккон қовуш, маҳси, қўнун тайёрлаш ҳам йўлга қўйилган. Ўзбекистоннинг йиллик ўтган тўқини ойн мобайнида пайдаги 31,8 минг ўринга 36,4 минг муфт миллий пойабзаллар тайёрланган, республикамизнинг савдо тармоқларига юборилди. Аҳолининг миллий пойабзалларга бўлган талабини қондириш маъносида қўнунга 1600 муфт қовуш-маҳси ва чўвақлар реализация қилинди.»

#### ХОРИЖДА

Чоршанба куни АҚШ Президенти Ж. Бушнинг Канадага қисқа муддатли сафарини бошлади.

Америкка Қўшма Штатлари Албания билан дипломатик муносабатларини тикламоқда. Оқ уйда бўлиб ўтган матбуот конференциясида ана шу ҳақда хабар қилинди.

Шу йилнинг 23 февралда ҳарбий тўғричи лавҳида ағдариб ташланган Таланда ҳўнуматининг собиқ бошлиғи Чачий Чунхван рафиқаси билан мамлакатини тартиб, Лондонга мўнаб кетди.

### Бугунги кун нафаси





ХАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИГА БАҒИШЛАБ


Тошкент шаҳар Давлат автотранспорт бошқармаси назорати шахар кино прокати билан ҳамкорликда ўқувчиларнинг баҳорги каникули пайtida, яъни 19 мартдан 1 апрелгача йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича фильмлар кўрсатиш ҳафталигини ташкил этди.

Алиимлар жамоалари оталиндаги корхоналар, йўл ташкилотлари ва ота-оналар болалар ўртасида жароҳатланганининг сабабларини етарли даражада ўрганишлари ва жароҳатланганининг олдини олишга кам эътибор бераятилар. Бундан рақамлар далолат беради. 1989 йилда 600 та йўл-транспорт бахтсиз ҳодисаси рўй берган бўлса,

бунинг натижасида 47 бола ҳалок бўлган ва 647 бола қаттиқ жароҳатланган. 1990 йилда содир бўлган йўл-транспорт ҳодисаларининг 85 фоизи болаларнинг эҳтиётсизлиги туфайли рўй берган. Бу эса йўл интизоми бўлашаки кетганлигини, йўл ҳаракати қондари роя қилмаслигини ёки билмаслигини, катталар томонидан бо-

ларга нисбатан назорат йўқлигини кўрсатади, албатта. Шунинг учун ташвиқот ишларини қўйишни мақсадда шаҳарнинг 9 та кинотеатрида — «Қозғонистон», «Чайна», «Нукус», «ВЛКСМ 30 йилгига», «Москва», «Восток», «Ватан», «Гунча», Ўзбекистон номли кинотеатрларида йўл ҳаракати хавфсизлиги бағишланган қисқа метражли фильм кўрсатилади.

М. ХАЛИЛОВ.



СССР Халқлари дўстлиги саройида Хиндистоннинг «Бомбей арт группа» эстрада дастаси, «Индиян Маджик группа» хинд сеҳргарлик гуруҳи ҳамда «Ўзбеконцерт» қошидаги «Ханда» жумҳурият ижодий маркази ўз чирқиларини кўрсатди. Бир неча кун давомида Ўзбекистон

дйерида меҳмон бўлиб турган хиндистонлик санъат соҳиблари республикамизнинг бир қанча вилоятларида ўз концерт дастурларини намойиш этишди. СУРАТЛАРДА: ана шу байрам дастуридан лавҳалар. А. Жданов суратлари.

ШАШКА

ТОШКЕНТДА халқаро шашка бўйича қизлар ва аёллар ўртасида ўтказилган Ўзбекистон биринчилигида яқин ясади. Қизлар шундаки, энг кўп — 12 иккониятдан 10 очкони бирданга икки спортчи — Нонна Бадева (Тошкент) ва Зайнаб Сафина (Фарғона)лар жағма-ришди. Кoeffициентлар жадалига кўра Ўзбекистон чемпиони фахрий номига Н. Бадева сазовор бўлди. Учинчи ўрин 8,5 очко тўлаган

чирқиллик ёш шашкачи Гаўрар Норбековага насиб этди. Самарқандлик спорт усталига номзод Ирина Сулейманова эса 8,5 очко патияга билан қизлар ўртасида жумҳурият чемпиони унвонини қўлга киритди. Иккинчи ўринда Ольга Лежаккина (Тошкент) — 8 очко, учинчи ўрини ҳам самарқандлик Светлана Шомуротова эгаллади. Биринчилик кўнига кўра, Н. Бадева СССР биринчилигининг ярим финал ўйинида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

ШАТРАНЖ

ЎЗБЕКИСТОН биринчилигининг олий лигаси ўйинларида эркаклар ўртасида ҳозирча 7 иккониятдан 4 очко жағмаган чирқиллик Сайдали Йўлдошев карвонбошлик қилмоқда. Александр Ненашев ҳисобда эса 5 иккониятдан 3,5 очко бор. Яна тўрттадан учрашув ўтказилган голиблар аниқланади.

И. БИРВРАГЕР.

Наботот оламида

ЎСИМЛИК КЎРКИ ЧУМОЛИГА БОҒЛИҚ

ХОҲ Ишонинг, хоҳ Ишонманг, гўё одамлар сингари ўсимликлар орасида қандайдир «муносабат» бўлар экан. Колумбиянинг тропик ўрмонларида унча катта бўлмаган баррасанта деб аталувчи дарахт ўсади. Баррасанта ниҳоятда кўркам, жилли, фусункор, танаси сабзаранг, уни бутунлай лъзали-алвон рангли гуллар ўз оғушига олгандай қўришад турлади. Қизил шундаки, бу ажойиб ўсимликнинг бирорт туғилиш ҳеч ким унчагина ботина олмайдди. Мабодо унга қўл тегизсангиз, барра-

сантанинг шох ва пояларидан тановузкор чумолилар «лашкар тортиб» келади-да, дарахтга озор берган кишиларни шундай талашмайдди, қочгани жой топа олмайдди. Ҳа, шундай. Ўсимликнинг кўркини чумолилар ардоқлаб сақласа, дарахт эса ўз навбатида чумолилар учун сулим ошённи яратиб беради.

Колумбиянинг фарбий иемида бир бута табиғий ажойиб хилсиз билан ажралиб туради. У ҳам баррасанта каби «чумолипарвар» ўсимликдир. Ўсимлиги ўзидан асал-

ни ослатувчи татимли шарбат чиқариб, танасини қоплайди. Мазкур бутага ҳар қандай ҳашарот ёки зараркундалар озор беришга ожизлик қилади. Чунки ўсимликка бирорта бегона ҳашаротлар чиқадиган ёки учиб келадиган бўлса, унга ёпишиб қолади. Бошқа зараркундалар эса, ўсимликда мавжуд бўлган чумоли уяларини тўзғитиб юборишдан хавфсизради. Чумоли танаси зараркундаларнинг додони бериши мумкин.

М. НАБИЕВ.

Мухаррир ўринбосари С. Б. ЕҚУБОВ.

ТИЖЖОРАТ ЖАБАРАЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

СССР Ички ишлар вазирлиги ТОШКЕНТ, УФА ОЛИЙ МАКТАБЛАРИГА; ВЛАДИМИР, ЧИМКЕНТ УРТА МАКТАБЛАРИГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати: ОЛИЙ МАКТАБЛАРДА — 4 йил, УРТА МАКТАБЛАРДА — 2 йил. ОЛИЙ МАКТАБЛАРГА КИРЎВЧИЛАР: рус тилидан (ёзма ишчи), СССР тарихидан (оғзаки), жамиятшуносликдан (оғзаки) кириш имтиҳонларини топирилади. УРТА МАКТАБЛАРГА КИРЎВЧИЛАР: рус тилидан (ёзма), СССР тарихидан (оғзаки) кириш имтиҳонларини топирилади. Совет армиясини сафларидан ҳарбий хизматини ўтаб қайтган, 30 йилгача бўлган йилгилар қабул қилинади. Мақтабни битирганларга «ички хизмат лейтенанти» унвони ва «хуқуқшунослик» дипломи берилади. Кириш учун қуйидаги ҳужжатлар талаб этилади: ўрта маълумот тўғрисида аттестат (асли), ишлаб чиқариш ёки хизмат тавсифомаси, комсомол ёки партия тавсифомаси, меҳнат дафтарчасининг нусхаси, тутилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, ҳарбий билет. Маълумотлар олиш учун қуйидаги манзилга шахсан мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри — 5, Куйбишев кўчаси, 25-уй, 215-хона, кадрлар бўлими (Ичкилоб хизматида 12, 26, 37, 52, 68-автотушларда «Ўзбекистон» бекатигача борилади).

Ўзбекистон ССР Халқ таълими вазирлиги Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаси 26-ХУНАР ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ 1991—1992 ўқув йили учун қуйидаги МУТАХАССИСЛИКЛАР ВЪЗИЧА

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ЗАРГАРЛИК, ЧИНИНИ ҚОЛИПЛОВЧИЛАР, ЧИНИНИ СОРТЛАРГА АЖРАТУВЧИЛАР, ЧИНИГА ХАЛ БЕРУВЧИЛАР, САНОАТ УСКУНАЛАРИНИ ТАЪМИРЛОВЧИЛАР. Ўқиш муддати 1—3 йил. БИЛИМ ЮРТИГА 9-11 СИНФИНИ ТАМОМЛАГАН НИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ. 9-синфини тамомлаган ўқувчилар учун ўқиш муддати 3 йил. Ўқишга қабул қилинганлар бош-оёқ кийим ва уч маҳал иссиқ оғдат билан таъминланадилар. 11-синфини тамомлаган ёшлар учун ўқиш муддати 1 йил бўлиб, 40 сўм стипендия берилади. Ишлаб чиқариш практикаси вақтида ишлаган иш ҳақининг 50 фоизи ўқувчиларга тўланади. Билим юртини тамомлаганларга эгалаган мутахассислиги ҳақида диплом ва ўрта маълумот ҳақида гувоҳнома берилади. Билим юртини аъло баҳолар билан битирганлар олий ўқув юртида имтиёзли равишда қабул қилинадилар. Ўқиш муддати УЗЛУКСИЗ МЕХНАТ СТАЖИГА КИРАДИ. Ўқиш ўзбек ва РУС тилларида олиб борилади. Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топиришилари лозим: директор номига ариза, тутилганлиги ҳақида гувоҳнома, турар жойдан маълумотнома, маълумоти ҳақида гувоҳнома, 6 дона расм (3х4), соғлиги ҳақида маълумотнома, таржиман ҳол, ота-онанинг иш жойидан маълумотнома. Манзилми: Тошкент шаҳри, С. Раҳимов ноҳияси, Сабзот кўчаси, (17-боши берк кўча, 4-уй, 59, 76, 166-автотушларнинг «Қўштут» бекати). Телефон 40-30-36.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ 38-ХУНАР ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ 1991—1992 ўқув йили учун қуйидаги ихтисослар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ЭЛЕКТР-ГАЗ ПАЙВАНДИНИ ДУРАДГОР, ҚУРИЛИШ ВЪЗЧИ-СУВОҚЧИСИ, КОШИЙКОР-ҒИШТЕРУВЧИ, ТЕМИР-БЕТОН КОНСТРУКЦИЯЛАРИ ВЪЗИЧА ПАЙВАНДИ-АРМАТУРАЧИ. Ўқиш муддати — 1-3 йил. 9—11-синф маълумотидаги йилги-қизлар қабул қилинади. Ўқиш муддати 3 йиллик гуруҳларда ўқувчиларнинг ихтисоси бўйича тегишли малака ҳамда ўрта маълумот тўғрисида диплом берилади. 8-синф маълумотидаги ўқувчилар ўқиш даврида бепул иш ва кўчални кийим-бош ва 3 маҳал иссиқ оғдат билан таъминланадилар. 10-синф маълумотидаги ўқувчилар эса стипендия олади. Ишлаб чиқариш практикасини ўташ даврида 50 фоиз иш ҳақи тўланади. Тошкент шаҳрида ва шаҳарга яқин ноҳияларда ишқомат қилувчи йилги-қизлар қабул қилинади. Ўқиш ДАВРИ МЕХНАТ ФАОЛИЯТИГА ҚЎШИБ ХИСОВЛанади. Билим юртини имтиёзли диплом билан битирганлар, ҳуқуқат қарорига мувофиқ, билим юртини битиргандан кейинги мажбурий меҳнат фаолиятсиз олий ўқув юрти даврига ўқинга юбориладилар. Билим юрти қошида техника ижодияти, бидий ҳаваскорлик, сураткашлик тўғрақлари, спорт шўъбалари ишлаб турибди. Чорвоқ қишлоғи агрофида ёғин дам олиш манзилгоҳи бор. Қуйидаги ҳужжатлар топирилади: ариза, тутилганлиги ва маълумоти тўғрисидаги гувоҳнома, соғлиги тўғрисида ва турар жойдан маълумотномалар, паспорт, 3х4 см, катталидаги 6 та фотосурат. МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ. Манзилми: 700141, Тошкент шаҳри, Бағратион кўчаси, 4-уй (17 «а» автобусининг «12-турар жой шаҳарчаси»; 6, 13, 22-трамвайларнинг «Гулгоҳлар» дўкон» бекати»). Телефонлар: 63-29-62, 63-06-97.

МАКУЛАТУРА ТОПИРИВЧИ ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!

17 мартда қабул пунктларида рус тилидаги «СУРИ ИЗ СВЯЩЕННОЙ КНИГИ КОРАНА» (бахоси — 25 сўм) китоби ҳар бир қабул пунктда 10 данадан сотилади. «СУРИ ИЗ СВЯЩЕННОЙ КНИГИ КОРАНА» китоби бир йўла 20 кг макулатура топиригандан кейин берилади. Қабул пунктларида А. АДАМОВНИНГ «ИККИ ОКЕАН СИРИ» китоби, С. СКЛЯРЕНОВНИНГ «СВЯТОСЛАВ», «ВЛАДИМИР», А. ЛОГИНОВНИНГ «АЕЛЛАР ВА ЭРКАКЛАР» китобларига абонементлар, шунингдек 16 томлик «ОҚ ИШ» (бай пули 10 сўм), Д. ЧЕВЗНИНГ 8 томлик (бай пули 10 сўм) В. ПИКУЛИНИНГ 12 томлик (бай пули 15 сўм) ОБУНА НАШРЛАРИГА талошлар бор. С. Сидиренковнинг «Святослав», «Владимир» ва А. Логиновнинг «Аёллар ва эркеклар» китобларига абонементлар бир йўла 10 кг макулатура топиригандан кейин берилади ва 20 кг макулатура топиригача унда кўрсатилган китобни олиш ҳуқуқини кафолақлайди. А. Адамовнинг «Икки океан сири» китоблари ва Д. Чевз, В. Пикунинг асарлар тўламлиқлари, шунингдек «Оқ иш» китобида талошлар бир йўла 20 кг макулатура топиригандан кейин берилади. Маълумотлар олиш учун телефон 48-04-93. ТОШКЕНТ ШАҲАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ-ТАЙЕРЛОВ КОРХОНАСИ.

Ўзбекистон ССР Маданият вазирлиги М. Қориев номидаги Ўзбек давлат филармонияси В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ССР ХАЛҚЛАРИ ДУСТЛИГИ САРОИДА 15 МАРТ СОАТ 19.30 ДА

«НАВРЎЗ»

ХАЙРИЯ КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССР халқ артисти НУРИДДИН ҲАМРОҚУЛОВ «ҚИЗИҚЧИ — 90» таловининг голиб ҲОЖИБОЙ ТОЖИБОВ Ўзбекистон ССР телевидение ва радио эшиттириш давлат комитети ДУТОРЧИ ҚИЗЛАР ҳамда «ТАНОВАР» РАҚС АНСАМБЛЛАРИ Концерт дастурини Ўзбекистон телевидениесининг суҳандонлари Жумҳуриятда хизмат кўрсатган артист ФАРҲОД БОБОЖОНОВ ВА ҲАЛИМА ЮСУПОВАЛАР олиб борилади. Чипталар сарой кассаларида соат 11.00 дан сотилади.

ОДАМЛАРУ ОДАМЛАР, ТОҒДА БИТГАН БОДОМЛАР ЭШИТМАДИМ ДЕМАНГЛАР

ЎЗБЕКИСТОН КОМСОМОЛИ МАРКАЗИЙ ҚУМИТАСИ «ЕШЛАР УНИ» ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДИЕНИЕ ВА РАДИОЭШИТИРИШ ДАВЛАТ ҚУМИТАСИ ЖУМҲУРИЯТ «МУШТУМ» ЖУРНАЛИ ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТ ЖАМГАРМАСИ

ЖАМКОРЛИҚДА ЖУМҲУРИЯТ ЕШ ҚИЗИҚЧИЛАРИНИНГ АНЪАНАВИИ

«ҚИЗИҚЧИ—91»

ҚУРИГИНИ ШУ ЙИЛ МАЙ ОИИДА ЎТКАЗАДИЛАР. Қурида 35 ёшгача бўлган ўзбек, тили бурро, таънилан ва танилган сўз устаслари қатнашишлари мумкин. Аризалар 30 АПРЕЛГАЧА Тошкент шаҳри, Пахтакор кўчаси, 5-уй, 205-хонада қабул қилинади. Телефон: 41-45-20.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 14/III да Иоланта, 15/III да Раймонда, 16/III да Гофман эртаклари. ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 14/III да Ш. Бурхоннинг юбилейи, 15/III да Тумарис, 16/III да Саъян сэйёр (15.00), Курорт (19.00). МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУСИҚАЛИ ТЕАТРИДА — 14/III да Паранжи сирлари, 15/III да Анқовлар чайқони, 16/III да Гапни гапир уққанга. АВРОР ХИДОЯТОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ДРАМА ТЕАТРИДА — 14/III да Паранжи сирлари, 15/III да Гўзаллар ва дўшманлар, 16/III да Фармонбини аразлади.

КИНО


15 МАРТ Навоий номидаги Санъат саройи — «САМОВИЙ ЖАНГЛАР» (11.00, 13.30, 16.00, 18.30, 20.30 катта зал). «СЕВГИ ҚУДРАТИ» (Хинд фильм, 12.00, 14.00, 17.00, 19.30 кичик зал). Чайка — «МУМКИН БУЛМАГАН НАРСАГА ЭРИШИШ» (11.00, 13.30, 16.00, 18.30, 20.45). Москва — «007-АГЕНТ» (11.00, 13.30, 16.00, 18.20, 20.40). Восток — «007-АГЕНТ» (11.00, 13.30, 16.00, 18.30, 20.40). Тошкентнинг 50 йиллиги номида — «КИНОЯТ ҚИДРУВ ПОЛИЦИЯСИ ВРИГАДСИ» (тоқ соатларда). БЛЕКЕИ 30 йиллиги номида «КАМБАГАЛЛАР ДУСТИ» (11.00, 14.00, 17.00, 20.00). Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат олий билимгоҳи жамоаси «Пахтаини дастлабни ишлаш» нафедраси ассистенти Х. Н. Пардонга отаси Нормат Пардонвич ПАРДАЕВНИНГ вафот этганини муносабати билан кўчур таъзия изҳор қилди.

Муассислар: халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ва Ўзбекистон Коммунистик партияси Тошкент шаҳар қўмитаси. Тошкент «ОКЦИОН» У. Ўзбекистон Коммунистик Партиясининг Комитети нафақатинини Меҳнат Қизил Байроқ эрдэли босмакхонаси Тошкент шаҳри. МАНВИЛГОҲИМИ: 700063, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй. ТЕЛЕФОНЛАР қабулхона — 32-63-76; хатлар — 33-29-70; 32-63-79; жамоатчилик қабулхонаси — 32-65-83. Шанба ва ишанбадан таъшир ҳар кунини ўзбек тилида чиқади.

Обрў-эйтиборли касбни эгаллашни орзу қиласизми?

УЗОҚ УЙЛАНИБ, ИККИЛАНИБ УТИРМАНГ! ЭЛЕКТР ТРАНСПОРТИНИ ҲАЙДАШ — АЙНИ ЕШЛАРБОП ИШИДИР! БУ — ЗАМОНАВИЙ ВА ИСТИҚБОЛЛИ КАСБ!

Трамвай-троллейбус бошқармаси қуйидагиларга кафолат беради: Аввало — юқори ойлик маош! Иш вақтининг ойлик мезони бажарилган тақдирда трамвай ва троллейбус ҳайдовчисининг ўртача ойлик маоши 400-500 сўмни ташкил этади. Бироқ иш ҳақи шу билан чекланиб қолмайди. Айрим ҳайдовчиларнинг иш ҳақи ойига 700 сўм ва ундан ҳам ортби кетиши мумкин.



Тошкент пропискаси ва ётоқхона билан таъминланади. Бундан ташқари, электр транспорти ҳайдовчилари навбатсиз кооператив уй олишлари мумкин.

Шунингдек, трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармаси ходимларига санаторийлар, дам олиш уйлари, сэйёҳлик базаларига имтиёзли шартларда йўлланмалар берилади.

Биринчи даражали тренажёрлар, буг ҳаммолари ва ҳовузлири бўлган спорт комплекслари ҳам депо ходимларининг хизматига мунтазир.

Едингида бўлсин! Электр транспорти ҳайдовчилари имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқига эгадирлар. Транспортда 15 йил ишлаган ва умумий меҳнат фаолияти 25 йил бўлган эркеклар 55 ёшида, транспортда 10 йил ишлаган, умумий меҳнат фаолияти 20 йил бўлган аёллар 50 ёшида қариллик пенсиясига чиқадилар.

Сизга манзур бўладими? Ундай бўлса, қуйидаги манзилга мурожаат қилинг: Тошкент шаҳри, Широкая кўчаси, 6-уй, Трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармаси. Телефонлар: 33-58-71, 34-63-06, 33-58-50.

Тошкент трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармасида Сиз ҳайдовчи касбини эгаллаб чиқасыз.

Ўқини даврида курсантларга ойига 100 сўмдан 140 сўмгача стипендия бериб борилади.

Ўқув комбинати манзили: Тошкент шаҳри, «Новой путь» кўчаси, 180«а» уй. Телефон 91-53-80.



ТРАМВАЙ-ТРОЛЛЕЙБУС БОШҚАРМАСИ ДЕПОЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ 1-ТРАМВАЙ ДЕПОСИ: 91-19-06, 91-19-30; 2-ТРАМВАЙ ДЕПОСИ: 72-81-78, 72-80-92; 1-ТРОЛЛЕЙБУС ДЕПОСИ: 56-13-84, 56-19-53, 56-07-52;



2-ТРОЛЛЕЙБУС ДЕПОСИ: 53-75-25, 53-78-58; «ҚИЗИЛ ШАРҚ» ДЕПОСИ: 63-38-93, 63-29-37, 63-29-34, 63-38-95. ТРАМВАЙ-ТРОЛЛЕЙБУС ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БОШҚАРМАСИ.

«Союзреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси